

<b>Мавзу</b>	<b>Кесувчи асбобларнинг ейилишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш</b>
--------------	---

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Маишгулот вақти - 2 соат	Талабалар сони: 12 – 15 гача	
Маишгулот шакли	Лаборатория	
Лаборатория маишгулоти режаси	1. Кесиш жараёнидаги факторларни кескич ейилишига таъсири 2. Кесиш тезлигини кескич турғунлигига таъсири	
Ўқув маишгулотининг мақсади: Кесувчи асбобнинг ейилиши ва унга таъсир этувчи факторларни ўрганиш.		
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"><li>Кесиш жараёнидаги факторларни кескич ейилишига таъсирини ўргатиш.</li><li>Кесиш тезлигини кескич турғунлигига таъсири тўғрисида маълумот бериш.</li></ul>		Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"><li>Кесиш жараёнидаги факторларни кескич ейилишига таъсирини ўрганиб олишади.</li><li>Кесиш тезлигини кескич турғунлигига таъсири тўғрисида маълумот олишади.</li></ul>
Таълим бериш усуллари		Кўргазмали лаборатория, суҳбат, «Қандай» техникаси
Таълим бериш шакллари		Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари		Ўқув қўлланма, проектор
Таълим бериш шароити		ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш		Оғзаки назорат: савол-жавоб

**1.2. «Кесувчи асбобларнинг ейилишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш»  
лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчилар</b>
Тайёргар- лик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси ва режаси билан таништиради. (1-илова) 1.2. Мавзуга оид адабиётлар рўйхатини тавсия этади ва маъруза бўйича баҳолаш мезонлари тушунтиради. (2-илова).	<b>Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар.</b>
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Кесиш жараёнидаги факторларни кескич ейилишига таъсирини ёритиб берувчи слайдлар намоиши орқали маълумотлар беради. (3-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.2. Кесиш тезлигини кескич турғунлигига таъсири тўғрисида маълумотлар беради. (4-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Қандай” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (5-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</b>
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун кейинги лаборатория машғулоти мавзусини тақдим этади ва ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</b>